ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ – ОЛИЙ БАХТ

O'K.U.F. F.T.U.U.

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

2006 йил 4 июл, сешанба № 111 (2160)

**Ушбу сонда:**

2 КОРХОНАДА МАСЛАҲАТЛАР ТИЗИМИ

3 ПРОКУРАТУРА ВА МАҲАЛЛА

4 *Муштарий фикри* ДАБДАБАЮ АСЪАСАДАН МАҚСАД НИМА?



Пойтахтимиздаги II Юридик коллежи мамлакатимизга ҳар йили ҳуқуқшунослик, хўжаликнинг ҳуқуқий фаолияти, ҳуқуқ ва ижтимоий муҳофаза, ҳуқуқни ҳимоя қилиш фаолияти касбий йўналишлари бўйича кўплаб мутахассислар етказиб беради.

Ўқув даргоҳида жамоат ишларида фаол иштирок этиб, ўқишни фақат аъло баҳоларга битираётган 33 нафар йигит-қиз имтиёзли дипломга муносиб топилди. Куни кеча коллежда битирувчиларга тантанали диплом топшириш маросими бўлиб ўтди.

— Коллежнинг ҳуқуқни ҳимоя қилиш фаолияти бўлимини муваффақиятли тугатганлигимдан беҳад бахтиёрман, — дейди имтиёзли диплом соҳибаси Эльвира Муҳамедшина. – Ушбу даргоҳда устоз ва мураббийлардан жуда кўп нарсаларни ўргандим. Келгусида бу ерда олган билимларимни янада бойитиш мақсадида Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллар университетининг халқаро журналистика факультетига ўқишга кирмоқчиман.

***Суратларда:** Пойтахтимиздаги II Юридик коллежи битирувчиларидан бир гуруҳи.*

**Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган суратлар**

## ҲАЯЖОНЛИ ДАМЛАР



*Хабарлар*

## ЖАМОА ШАРТНОМАСИ

### меҳнаткашлар муҳокамасида

***Меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳамда ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялашда жамоа шартномаларининг тутган ўрни беқиёс. Мазкур ҳужжат бандларининг бажарилиши муҳокама этиб борилиши ҳам муҳим аҳамият касб этади. Яқинда «Махсусэнергогаз» очиқ ҳиссадорлик жамиятида меҳнат жамоаси конференцияси ҳам ана шу мавзуга бағишланди.***

— Бундай йиғилишлар ишчи-хизматчиларнинг жамоа шартномасига бўлган қизиқишларини тубдан ўзгартирмоқда, — дейди касаба уюшма қўмитаси раиси Анвар Алимов. — Улар бундай тадбирларда ўзларининг бу борадаги қизиқарли таклиф ҳамда мулоҳазаларини ўртага ташлашмоқда.

Мазкур муҳим ҳужжатларда меҳнаткашларга кўнгилдагидек иш шароити яратиб бериш ҳамда уларнинг меҳнатини муҳофазалашга ҳам асосий эътибор қаратилмоқда. Биргина ўтган йилнинг ўзида шу мақсад учун корхонада 13 миллион 800 минг сўм маблағ сарфланганлиги ҳам фикримизни тасдиқлаб турибди.

## КЎЧМА СЕМИНАР

***Наманган вилояти Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси кенгаши ташаббуси билан Норин туманидаги 11-мактабда кўчма ўқув-семинар ўтказилди. Унда бошланғич касаба уюшма қўмиталари, шаҳар ва туман кенгашлари раислари, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари вакиллари иштирок этдилар.***

Йиғилишда вилоят кенгаши раиси Розахон Деҳқонова «Бошланғич касаба уюшма ташкилотларининг фаолиятини такомиллаштириш, аъзолар, хусусан, ишловчи ёшлар ва ногиронларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ҳуқуқий саводхонлигини ошириш бўйича олиб борилаётган ишларни янада кучайтириш» мавзусида маъруза қилди. Семинар қатнашчилари ҳам бу борадаги фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашишди.

Ўқув охирида энг яхши касаба уюшма қўмиталари раислари тақдирландилар. Иштирокчилар тумандаги намунали касаба уюшма қўмиталари фаолияти билан таништирилди.

## МАЖМУА

### яна биттага кўпайди

***Мустақиллик йилларида республикамизда кўплаб янги спорт масканлари барпо этилмоқда. Гулистон шаҳридаги “Дўстлик” маҳалласида ҳам ана шундай иншоот қад кўтарди. Бу ғамхўрликдан маҳалла аҳли ниҳоятда миннатдор бўлишди. Унинг қурилишига Сирдарё “Электртармоқлари” корхонаси ҳамда касаба уюшма қўмитаси ҳомийлик ёрдамини кўрсатишди. Натижада уларнинг 8 миллион 800 минг сўмлик маблағлари эвазига 300 нафар шуғулланувчиларни ўз бағрига олган маскан ишга тушди.***

— Маҳалламизда 30 дан зиёд миллат вакиллари истиқомат қилишмоқда, — дейди бу ерда истиқомат қилувчи Миржалол Отабеков. — Эндиликда ёшларимизнинг бўш вақтлари кўнгилли ўтади. Улар билан малакали мураббийлар бокс, шарқ якка кураши, кураш, волейбол, футбол каби спортнинг ўнлаб турлари бўйича машғулотлар олиб боришади.

**Ўз мухбирларимиз**

***Пахтакор туманида ҳашар йўли билан «Болалар спорт мажмуаси» қуриб битказилди. Бинони туман халқ таълими бўлими ўз тасарруфига олгач, ишлар янада жонланиб кетди. Шаҳардаги ва шу ҳудудга яқин мактабларнинг 358 нафар ўқувчиси спортнинг футбол, кураш ва бокс турлари билан мунтазам шуғулланадиган бўлишди. Олти нафар мураббий ёшларга спорт сирларини ўргатиб келишаяпти.***

## МУРАББИЙ МАЛИКАЛАР

Айниқса, мураббий қизларнинг тўгаракларга раҳбарлик қилаётгани қувонарли ҳол. Кураш тўгараги мураббийлари Гулноза Каримова, Севара Мусаева, Наргиза Азимовалар ишидан кўпчилик мамнун.

Эришилган дастлабки ютуқлар ҳам кўзга ташланиб қолди. 13-мактаб ўқувчилари Саодат Ҳайдарова, Дилафрўз Пармоновалар республика чемпионатида кураш бўйича 47-52 килограммлик вазнда фахрли ўринларни эгаллаб, совриндор бўлишди.

— Жиззах Давлат институтини битиргач, мураббий бўлиб иш бошладим, — дейди С. Мусаева. — Спортни жон дилдан севаман. Дзю-до бўйича 20 нафар болага сабоқ бераман. Иқтидорли болаларнинг кўплигидан хурсандман. 4-мактабнинг 5-синф ўқувчилари Д. Дўсматова, Ў. Сулаймоновлар бошқалардан ажралиб туришади. Улардан келажакда яхши спортчилар етишиб чиқишига умидворман.

**Абдуманноп АЗИМОВ, «Ишонч» мухбири**

# Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОЙИШИ

## Ўзбекистон Республикасида ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан қабул қилиниши лозим бўлган қонунлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

***Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 1 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги ПФ-3641- сонли Фармони қоидаларини амалга ошириш учун зарур бўлган қонунлар ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш борасидаги ишларни жадаллаштириш ва уларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида кўриб чиқиш учун ўз вақтида топшириш мақсадида:***

1. Ўзбекистон Республикасида ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан қабул қилиниши лозим бўлган қонунлар ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш бўйича 1-иловага мувофиқ ишчи гуруҳи тузилсин.

2. Ишчи гуруҳи (Б.Мустафоев): бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 1 августдаги «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги Фармони қоидаларини амалга оширишни таъминлайдиган қонунлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш жадвалини ишлаб чиқсин ва бунда 2006 йилнинг охиригача Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида муҳокама қилиш учун уларни босқичма-босқич тақдим этиш зарурлигини ҳисобга олсин;

ушбу бандда кўрсатилган Жадвални ишлаб чиқиш чоғида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 19 августдаги Р-2310-сонли Фармойиши билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 1 августдаги «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги Фармонини амалга ошириш мақсадида қабул қилиниши, ўзгартирилиши ва қўшимчалар киритилиши лозим бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар рўйхати»ни асос қилиб олсин;

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига ўлим жазосини жиноий жазолар тизимидан чиқариб ташлаш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклифларни тайёрлаш чоғида «умрбод қамоқ жазоси» ва «узоқ муддатга озодликдан маҳрум этиш» каби янгидан жорий этиладиган жазо турлари тушунчаси, шунингдек бундай жазо турлари учун тайинланиши назарда тутиладиган жиноятлар таркиби (моддалар рўйхати) аниқ ишлаб чиқилишига алоҳида эътибор қаратсин;

мазкур Фармойишда кўрсатилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш бўйича вазирликлар ва идораларнинг фаолияти самарали мувофиқлаштирилишини, ушбу қонун ҳужжатларининг лойиҳаларини тайёрлаш борасидаги ишга малакали мутахассислар, шунингдек мамлакатимиздаги тадқиқот ҳамда таълим муассасаларининг етакчи эксперт ва олимлари жалб этилишини таъминласин;

ушбу Фармойишда кўрсатилган қонунлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш Жадвалининг бажарилиши тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти девонига ҳар чоракда маълумот бериб борсин.

3. Мазкур Фармойишнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Миллий хавфсизлик Кенгашининг Котиби М.Атаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2006 йил 29 июн

# Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармойишига ШАРҲ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 1 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги ПФ-3641-сонли Фармони қоидаларини амалга ошириш борасида мамлакат ҳукумати, адлия, ички ишлар вазирликлари, Олий суд, Бош прокуратура ҳамда бошқа вазирликлар ҳамда идоралар, тадқиқот ва таҳлилий муассасалар томонидан каттагина ишлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жиноий жазони ва суд ҳуқуқ тизимини либераллаштириш соҳасида қонунларни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2005 йил 19 августдаги фармойиши билан ўлим жазоси бекор қилиниши ҳамда унинг умрбод қамоқ жазоси ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум этиш каби жазо турига алмаштирилиши муносабати билан қабул қилиниши, ўзгартирилиши ва қўшимчалар киритилиши лозим бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар рўйхати тасдиқланган. Шу билан бир қаторда янгидан жорий этиладиган жиноий жазо турлари ижро этилишини таъминлаш механизмлари пишиқтирилмоқда; янги жиноят, жиноят-процессуал қонун ҳужжатларига мувофиқ одил судловни ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини рўёбга чиқариш учун ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларини, судьяларни тайёрлаш чора-тадбирлари ишлаб чиқилмоқда ва амалга оширилмоқда.

Мана шу ишларнинг барчасига юзлаб мутахассислар - нафақат юристлар балки иқтисодчилар, журналистлар, турли идораларнинг, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг экспертлари, олимлар, кенг жамоатчилик, жумладан маҳаллаларнинг вакиллари ҳам жалб этилган.

Ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисидаги фармон қоидаларини муҳокама этишга 238 телекўрсатув, 463 радиоэшиттириш, 270 дан кўпроқ газета ва журнал мақолалари бағишланди; 23 та илмий-амалий конференция, 148 семинар, 265 давра суҳбати ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан қабул қилиниши лозим бўлган қонунлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги шу йил 29 июнда қабул қилинган Фармойишининг асосий вазифаси ўлим жазосини жиноий жазолар тизимидан чиқариб ташлаш билан боғлиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш борасидаги ишларни жадаллаштиришдан, уни амалга оширишнинг якунловчи босқичида ташкилий ишларни кучайтиришдан иборатдир.

Бу ерда нима назарда тутилмоқда?

Биринчи. Ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан тайёрланаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини маромига етказиш давомида турли касбларга, ижтимоий қатламларга мансуб минглаб одамлар шу хусусда билдирган кўпдан-кўп фикр-мулоҳазаларни, шунингдек ушбу масала бўйича жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан киритилган таклифларни умумлаштириш ва эътиборга олиш.

Иккинчи. Ушбу мавзуда ўтказилган семинарлар, конференциялар, давра суҳбатларининг натижалари ва тавсияларини умумлаштириш ҳамда улардан ўлим жазоси бекор қилиниши ва у умрбод қамоқ жазосига ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум этишга алмаштирилиши муносабати билан республиканинг жиноят тўғрисидаги қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича ишда фойдаланиш.

Учинчи. Чет мамлакатларнинг таниқли ҳуқуқшунослари, сиёсатчилари, журналистлари, турли халқаро ташкилотлар ва тузилмаларнинг экспертлари томонидан бу борада билдирган кўпдан-кўп фикр-мулоҳазаларни инобатга олиш.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур фармойишига мувофиқ тузилаётган ишчи гуруҳининг энг муҳим вазифаси мана шу барча материалларни умумлаштириш ва тизимлаштиришдан ҳамда уларнинг негизида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисидаги фармон қоидаларининг амалга оширилишини таъминлайдиган қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тайёрлаш жадвалини ишлаб чиқишдан ҳамда мазкур ҳужжатларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига тақдим этишдан иборатдир.

Фармойиш ўз вақтида қабул қилинганлиги равшан. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 1 августдаги Фармони ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисидаги масалани кун тартибига қўйган, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 19 августдаги Фармойиши ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши лозим бўлган қонунлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни белгилаб берган бўлса, Олий Мажлис ушбу масалалар бўйича тегишли қонунларни қабул қилиши учун мазкур ҳужжатлар қабул қилингандан кейин ўтган даврда кўтарилган муаммоларни, қонун ижодкорлигининг янги соҳалари ҳамда йўналишларини умумлаштириш ва ҳисобга олиш зарур.

Аҳоли, жамоатчилик, эксперт ва мутахассисларнинг фикр-мулоҳазалари кенг миқёсда инобатга олинишини назарда тутувчи фақат шундай демократик ёндашувгина Ўзбекистонда ўлим жазосини бекор қилиш билан боғлиқ қонунларни қабул қилиш борасидаги чуқур ўйланган, пухта ва изчил ишларни таъминлаши мумкин.

*Фаолиятга назар*

# ТЕЖАЛГАН МАБЛАҒ

## корхонани ривожлантиришга йўналтирилди

***Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш бугунги куннинг ҳаётий талабига айланганлиги бежиз эмас. Зеро, бу соҳа хизматчилар учун қулай шарт-шароит яратиш билан бирга, уларнинг иқтисодиётдаги улушини яхшилайди. Тармоқда банд бўлганлар сонини кўпайтиришга ёрдам беради. Аҳоли даромадларини ошириш ҳамда ички истеъмол бозорини замонавий, сифатли хизмат турлари билан тўлдиришга эришилади. Шунинг учун Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори кўзланган мақсадга эришишда муҳим ҳаётий ҳужжатга айланди.***

Вилоятимизда мазкур қарорда кўзда тутилган солиқ имтиёзлари татбиқ этиладиган корхоналар сони 54 тани ташкил этди. Жорий йилнинг биринчи чораги мобайнида кўрсатилган хизматларнинг умумий ҳажми 421,5 миллион сўмни ташкил қилди. Бюджетга 10,2 миллион сўм миқдорида фойда солиғи ва 10,2 миллион сўм миқдорида ягона солиқ тўловлари ҳисобланди.

Қарорда кўзда тутилган имтиёзлар вилоятдаги тегишли корхоналарга 2006 йилнинг II—IV чоракларида камида 55-60 миллион сўм миқдордаги маблағларни тежаб қолиш имконини беради. Халқ хўжалиги тармоқларига малакали ҳайдовчилар тайёрлаш фаолияти билан шуғулланувчи Андижон автомобил ўқув ишлаб чиқариш комбинати 2006 йилнинг 1-чорагида 71,6 миллион сўмлик хизмат кўрсатиб, бюджетга 2,7 миллион сўм солиқ тўлашдан озод қилинди. Маблағлар корхонанинг Низом жамғармаси миқдорини оширишга йўналтирилди.

Ҳозирги кунда кўплаб хусусий корхоналар, фермер хўжаликлари ташкил этилмоқда. Уларда амалдаги қонун талаблари асосида ҳисоботлар юритилишини ташкил этишда аудиторлик ва бухгалтерия фирмаларининг ўрни ортиб боряпти.

Масалан, "Эркин Аудит - XXI" хусусий аудиторлик фирмаси томонидан шу йилнинг биринчи чорагида 4,8 миллион сўмлик хизмат кўрсатилиб, 600 минг сўм миқдорида ягона солиқ тўлови ҳисобланган. Корхона раҳбари Эркинжон Мўйдинов қарорда кўзда тутилган имтиёзларнинг аҳамиятига юқори баҳо бериб, 2006 йилнинг II-IV чораги давомида солиқдан озод қилиниши натижасида тежаб қолинадиган 2,5 миллион сўмдан зиёд маблағни жамоанинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва ходимларнинг аудиторлик малакаларини оширишга сарфланишини айтди.

**Х.ХОЖАКБАРОВ,**
**Андижон вилоят Давлат солиқ бошқармасининг Ҳуқуқий шахсларни солиққа тортиш шўъбаси бошлиғи**

## ФАРЗАНД — ОИЛА ҚУВОНЧИ

Хизмат тақозоси билан маҳалламизда яшайдиган оналар билан суҳбатлашиб тураман. Эндигина дунёга келган фарзандини меҳр билан парваришлаётган бахтиёр аёлларни кўрсам қалбим қувончга тўлади.

Шифохонамизда қирқдан ортиқ врач, 80 нафар ҳамшира ҳудудда яшаётган 20 минг нафар болаларнинг сиҳат-саломатлигини мустаҳкамлаш йўлида астойдил жон куйдиришаяпти. Аёлларимизга чақалоқларини икки-уч йил эмизишни, дори-дармондан кўра шифобахш гиёҳлар, мева-чева ва сабзавотлардан кўпроқ фойдаланишни маслаҳат берамиз.

Маҳаллалардаги туғиш ёшидаги аёллар ва ўсмир қизлар гигиенаси ҳақида ўтказилган суҳбатлар оилаларда тиббий маданиятни яхшилашга ижобий таъсир кўрсатаяпти.

**Гулистон МЎМИНОВА,**
**Қарши шаҳридаги 3-болалар шифохонаси ҳамшираси, иккинчи даражали “Соғлом авлод учун” ордени соҳибаси**

## ДИАБЕТИКЛАР МАКТАБИ

Бундан етти йил муқаддам вилоят эндокринология диспансерида мамлакатда биринчи бўлиб диабетиклар мактаби иш бошлаган эди. Унга тажрибали шифокорлар, мутахассис олимлар жалб этилиб, диспансерда даволанаётган болалар, уларнинг ота-оналари ва катта ёшдаги беморларга қандли диабет касаллиги ҳақида тушунча бериб келинаяпти.

Давлат дастурига асосан Республика эндокринология институти томонидан мактаб учун замонавий асбоб-анжомлар, компьютер, видеомагнитафон, видеотасмалар ва бошқа жиҳозлар ажратилди. Машғулотларни тажрибали шифокорлар кўргазмали воситалардан фойдаланган ҳолда олиб боришаяпти. Беморларга касалликнинг келиб чиқиши асорати, унинг олдини олиш ва даволаш усуллари намойиш этилади.

**Т. ЭШМУРОДОВ,**
**Қашқадарё вилоят эндокринология диспансерининг врачи**

***Миллий анъаналаримиз, қадриятларимизни ўзида жамлаган маҳалланинг жамиятимизда ўз ўрни бор. Ўзаро муроса, фаровонлик ва ободликка хизмат қилувчи ушбу институт ўз-ўзини бошқаришнинг ўзига хос шакли ҳисобланади. Президентимиз томонидан илгари сурилган «Кучли давлатдан кучли жамият сари» деган ғоя амалиётга татбиқ этилиши жараёнида маҳаллаларнинг роли янада ошмоқда.***

# ПРОКУРАТУРА ВА МАҲАЛЛА

Фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда маҳалла институти таянч нуқта ҳисобланади. Прокуратура ва бошқа ҳуқуқ-тартибот органлари тарғибот ишларини асосан фуқаролар йиғинларида мулоқотлар ўтказиш орқали амалга оширадилар. Гулистон тумани прокуратураси ҳам маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларида аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга ажратилаётган маблағларнинг қонунийлигини ўрганиш ва аҳоли ўртасида ҳуқуқ-тарғибот ишларини кучайтирш борасида муайян ишларни амалга оширмоқда.

Яқинда прокуратура ташаббуси билан тумандаги Абдуназар Турдиев номли қишлоқ фуқаролар йиғинида ҳуқуқ-тартибот органлари вакиллари билан учрашув ташкил этилди. Жиноятчиликнинг олдини олиш, қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш, оила ва никоҳ масалалари, «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонун ҳақида тушунчалар бериш каби масалалар муҳокама этилган учрашувда вилоят адлия бошқармаси, фуқаролик ва жиноий ишлар бўйича вилоят судларининг судьялари иштирок этишди.

Фуқароларнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда дуч келинаётган муаммолар мунозарага сабаб бўлди. Айниқса, жиноий жазоларни либераллаштириш, фуқаролик судларининг ўрнини ошириш, ярашув ва гаров каби институтларнинг жорий қилиниши суд-ҳуқуқ тизимини демократлаштиришда катта аҳамиятга эга бўлганлиги қатнашчилар томонидан алоҳида эътироф этилди. Йиғилишда прокуратура билан маҳалла ўртасидаги муносабатларни кенгайтириш, қонунбузилишларнинг олдини олиш юзасидан фуқаролар ва прокуратура ходимлари ҳамкорлигини кучайтиришга алоҳида тўхтаб ўтилди.

Фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органларига сайловлар масаласи қизғин муҳокамага сабаб бўлди. Чунки маҳалла оқсоқоли ўзида кўп фазилатларни жамлаган, кўпчилик манфаати учун жон куйдирадиган шахс бўлиши лозим. Нега бундай деяётганимизга сабаб бор :

Маълумки, ҳукуматимиз томонидан аҳолининг кам таъминланган қатламини ижтимоий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бироқ фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органларида ўтказилган текширишларда ушбу йўналишда бир қатор қонунбузилишларга йўл қўйилаётгани ҳам аниқланмоқда.

Жумладан, «Деҳқонобод» қишлоқ фуқаролар йиғинидаги «Дўстлик» маҳалласи раҳбарияти томонидан фуқаро К.Тўйинбоевага уч ой учун 35.256 сўм моддий ёрдам тайинланиши лозим бўлса-да, аслида бир неча ой ошиқча нафақа тайинланган.

Фуқаро Я.Маъмиров Дўстлик маҳалла қўмитасига 2005 йил 20 октябр куни моддий ёрдам сўраб мурожаат қилган. Унга уч ойга 49.350 сўм нафақа тайинланган. Лекин ушбу фуқаронинг Дўстлик маҳалласида эмас, балки Ўзбекистон маҳалласида яшашини маҳалла оқсоқоли билмаслиги кишини ажаблантиради.

Шундай экан, бундай масъулиятли вазифага кўпни таниган, ҳалол, виждонли кишиларни кўпроқ тавсия қилсак, мақсадга мувофиқ бўларди.

**Юсуф МУСАЕВ,**
**Гулистон тумани прокурори**

***Таҳририятга Чироқчи туманининг Хўжакўрғон қишлоғида яшайдиган Абдуғаффор Хўжамуродов ва Малика Эшнороваларлардан шикоят-хати келди. Мактубда оддий қишлоқ оиласи ҳаётига дахлдор бўлган муаммо бир неча йилдан бери ечимини топмаётгани баён этилади.***

*Хат йўлга чорлади*

# ҚИЙНАЛГАННИ ҚЎЛЛАГАН САВОБГА ҚОЛАДИ

— Оиламизда беш нафар вояга етмаган фарзанд (шундан биттаси ногирон) камол топмоқда, - деб изоҳ беради Малика ўз мактубида. — Бундан ўн йил муқаддам қишлоқ четидаги пахта даласи атрофидан собиқ жамоа хўжалиги маъмурияти қарори билан тўрт сотих томорқа беришди ва алоҳида хўжалик бўлиб ажралиб чиқдик. Елиб-югуриб чоғроқ бир уй қуриб олдик.

Ўттиз беш ёшни қаршилаган Малика уй бекаси, ўғил-қизлар тарбияси билан машғул, ногирон фарзанди учун нафақа олади. Умр йўлдоши Абдуғаффор қирқ ёшни қоралаган. Ўрта мактабни битириб, етти йил ширкат хўжалигида ишлади. Мана ўн олти йилдирки "Чироқчипахтатозалаш" очиқ ҳиссадорлик жамиятида ишчи.

Ҳамма машмаша 1996 йилнинг охирида "Сухроб" фермер хўжалиги ташкил этилганидан сўнг бошланди. Туман ҳокимининг ўша йил 19 декабрдаги 596-сонли қарори билан "Сухроб" фермер хўжалигига 6 гектар суғориладиган майдон узоқ муддатга ажратилган. Ҳокимнинг 2003 йил 21 майдаги 299-сонли қарорида эса яна бир гектар боғ қўшимча равишда шу фермер хўжалиги тасарруфига берилган.

Орадан роппа-роса бир йил ўтиб ҳокимнинг 414-сонли қарорига мувофиқ 7 гектар суғориладиган майдон ва 1 гектар боғ узоқ муддатга фермер хўжалигига бериш учун қайтадан расмийлаштирилган.

Эшпўлат Тўраев раҳбарлик қилаётган фермер хўжалиги экин майдонлари Хўжамуродов ва Эшнороваларнинг ҳовлисига туташиб кетган. Нафсламбирини айтганда, бир қисмини турар-жой эгаллаб олган томорқа жуда тордек кўринади. Бир томони пахта даласи, экин-тикин барқ уриб ўсиб ётибди.

Биз борган куни фермер ғўзасини ўргимчаккананага қарши дорилаётган экан. Даланинг шундоқ ёнидаги ариқдан сув оқиб турибди, иккинчи томонида болалар ўйнаб юришибди. Зарарли ҳашоратга қарши ишлов ҳам давом этмоқда.

Шикоятда фермернинг ери белгиланганидан кўп, у ошиқча майдондан фойдаланаяпти, дейилади. Ҳолбуки, Чироқчи туман ер ресурслари ва давлат ер кадастри бўлими томонидан 2005 йил 12 декабрда тузилган 282-сонли маълумотномага асосан "Сухроб" фермер хўжалиги ҳудуди ўлчаб чиқилганда ортиқча ер борлиги аниқланмаган. Бу ҳақда аризачиларга туман давлат солиқ инспекцияси бошлиғи А.Рустамов имзоси билан жавоб хати йўлланган. Демак, мутасадди ташкилотлар бутун жавобгарликни зиммасига олиб текшириш ўтказдими, унга ишонмай иложингиз йўқ.

Яна бир гап: "Меҳнатобод" жамоа хўжалиги вакиллар йиғилишининг 2000 йил 5 июндаги 34-сонли қарори билан Ўзбекистон Республикаси "Деҳқон хўжалиги тўғрисида"-ги Қонунга мувофиқ Хўжамуродов Абдуғаффор бошчилигида деҳқон хўжалиги тузилган ва унга умрбод эгалик қилиш учун 0,04 гектар суғориладиган ер ажратилган.

Бизнинг Э. Тўраев раҳбарлик қилаётган фермер хўжалигига ҳеч қандай эътирозимиз йўқ. Кичик жамоа астойдил меҳнат қилиб, давлатга пахта сотиш шартнома режаларини ошириб бажарган. Даласидаги ғўзанинг аҳволи ҳам яхши, экин барқ уриб ривожланмоқда.

Муаммонинг бошқа томони бор. Мутасадди раҳбарлар аҳолига томорқа ажратаётганларида ернинг тиғизлигини, келажакда норозиликлар келиб чиқишини ҳисобга олишмаган кўринади. Сабаби, фермер хўжаликлари экин майдонларини кенгайтириш, шунингдек, қишлоқ ўртасидан йўл ўтказиш борасида бирмунча ноқулайликлар юзага келган. Ҳолбуки, қишлоқ инфратузилмасини шакллантиришда аҳоли имкониятлари ҳам эътибордан четда қолмаслиги керак эди.

Аризачиларнинг маҳалладошлари А.Жўраев, А.Бахтиёров, М.Ғаффоров, Ш.Султонов, Б.Ҳамроев, С.Жўраев қўшнилари М.Турдиева, З.Жомуродова, Ш.Яллаев, С.Тожиева, Н.Улашевалар ҳам шикоят-хатда келтирилган камчиликларни маъқуллаб, мавжуд муаммоларни бартараф этиш ҳамда кам даромадли оила ҳисобланган М.Эшноровага ёрдам кўрсатишни илтимос қилишади.

"Қаҳрамон" қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Рустам Ҳақназаров котиби Турсунпўлат Тожиевларнинг таъкидлашича, ҳудудда 5 та қишлоқ, 1 та маҳалла бўлиб, мавжуд 2800 та оилада 12 минг аҳоли яшайди. Ширкат хўжалиги тугатилиб, 300 га яқин деҳқон-фермер хўжаликлари тузилган. Аҳолининг аксарият қисми ана шу хўжаликларда меҳнат қилишади.

Шу ўринда айтмоқчи бўлганимиз, бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир оиланинг ўзига яраша ташвишлари бўлади. Инсон барчасига кўникиши ҳам мумкин. Аммо бефарқликка чидай олмайди. Шундай экан, туман ҳокимлиги, фуқаролар йиғинлари ва қишлоқ оқсоқоллари ўзаро кенгашиб, юзага келаётган келишмовчилик ва муаммоларни вақтида ечиш чораларини кўрсалар, муҳтож оилалардан ёрдамини аямасалар, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

**Иззат ҲИКМАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

*Ижро назорати*

***Истиқлол яратган имкониятлар ҳақида сўз кетганда, шубҳасиз юртимизнинг кенг ва равон йўллари ҳар томонлама қулай ва бежирим транспорт воситалари кўз олдимизга келади. Кўпчилигимизнинг узоғимизни яқин қилаётган автобус, йўналишли такси ҳамда хусусий такси хизмати такомиллашиб бораётганлиги қулайликни яратмоқда.***

# ҲУЖЖАТСИЗ «ТАДБИРКОРЛАР»

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида йўловчи ташиш хавфсизлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қароридан кейин бу масалага эътибор кучайтирилди.

– Бундан мақсад, асосан инсон ҳаёти ва саломатлиги хавфсизлигини таъминлаш, йўл транспорти ҳодисалари олдини олиш ҳамда транспорт хизмати кўрсатиш маданиятини оширишдир, - дейди Тошкент шаҳар Яккасарой туман Давлат солиқ инспекцияси бўлим бошлиғи Ш.Одилов. – Ушбу қарорда инсон саломатлиги ҳамда хавфсизлиги масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Унда ҳайдовчи доимий равишда тиббий, транспорт воситаси техник кўрикдан ўтказилиб, сўнгра йўналишга чиқарилиши назарда тутилган. Энди тизимда барча талабларга жавоб бера оладиган фақат юридик мақомга эга шахслар қонуний асосда фаолият юритади. Ушбу муҳим ҳужжат моҳиятини тадбиркорларга етказиш мақсадида тумандаги «Такси-сарой» мутасаддилари, ички ишлар бўлими, автомобил ва дарё транспорт агентлиги, хўжалик юритувчи субъектлар вакиллари иштирокида семинар-йиғилишлар ўтказилди.

Амалдаги қонунчиликда янги ташкил этилган корхоналар ривожланишини таъминлаш учун имтиёзлар белгилаб қўйилган. Масалан, чет эл инвестициялари иштирокида ташкил этилаётган корхоналар учун даромад солиқларини тўлашда бир қанча енгилликлар берилган. Янги ташкил этилган юридик шахсларнинг мол-мулкига икки йил мобайнида солиқ солинмайди.

Аммо шунга қарамай, ноқонуний фаолият олиб бориб, инсон ҳаётини хавф остига солиб юрганлар ҳам учраб турибди. Ўтказилган рейдлар натижасида туманда 135 дан зиёд ҳеч қандай ҳужжатсиз аҳолига транспорт хизмати кўрсатаётган «тадбиркорлар» аниқланди ва уларга тегишли жарималар қўлланди.

**Юнусали ОЧИЛДИЕВ,**
**«Ишонч» мухбири**

# ҚОНУН БАРЧАГА БАРОБАР

***Савол: Ўғлим икки йилдан бери туман марказий касалхонасида фельдшер бўлиб ишлайди. Ҳарбий хизматга чақирилиши муносабати билан меҳнат шартномаси бекор қилинди. Унга ишдан бўшатиш нафақаси тўланадими?***

**Ҳ. АХМЕДОВА, Олот тумани**

**Жавоб:** Ходимнинг ҳарбий хизматга чақирилиши Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 106 — моддаси 1 — бандига кўра тарафларнинг ихтиёрига боғлиқ бўлмаган ҳолат деб хисобланади ва меҳнат шартномасининг бекор бўлишига сабаб бўлади. Мазкур Кодекснинг 109 — моддасига биноан бундай ҳолда ишдан бўшатиш нафақаси тўланади. Унинг миқдори ўртача ойлик иш ҳақидан кам бўлиши мумкин эмас.

**Саволингизга ҳуқуқшунос Д.МАДИЕВ жавоб берди**



Қашқадарё вилояти ИИБ ЙҲХБ ходимлари йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш борасида яхши натижаларни қўлга киритишмоқда. Бу фаоллик айниқса яқинда бўлиб ўтган "Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги"да янада яққол намоён бўлди.

**Суратда:**(чапдан ўнгга) **вилоят ИИБ ЙҲХБ 3-отряд 2-сафарбарлик гуруҳи ЙПХ катта инспектори, капитан Алишер Ражабов, ЙПХ инспектор-кинологи, катта сержант Бердиёр Раҳматуллаев, ИИБ ППХ ва ЖТСБ ходими катта сержант Эркин Садинов ва ветеринария хизмати ходими Ғани Дўстовлар галдаги вазифа олдидан.**

**А.ХУДОЁРОВ олган сурат**

# НОҚОНУНИЙ ФАОЛИЯТГА ЧЕК ҚЎЙИЛДИ

Тошкент вилояти прокуратураси солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш бошқармаси Бекобод шаҳар бўлими ходимлари томонидан А.Икромов кўчаси 7-уйда яшовчи А. Очилов ҳеч қандай ҳужжатсиз тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш учун белгиланган тартибда рўйхатдан ўтмасдан саноат касб-ҳунар коллежига қарашли эски гаражда 2006 йил 15 февралдан буён яширин равишда бетон ғишт ишлаб чиқариш ва цемент маҳсулотларини қайта сотиш билан шуғулланиб, жами 1 миллион 140 минг сўм миқдорда даромад олиши аниқланган. Ушбу ҳолат юзасидан 148790 кг умумий баҳоси 7 миллион 737 минг сўмлик цемент маҳсулотлари, 1621 дона умумий баҳоси 486 минг сўмлик бетон ғишт, 1 дона 150 минг сўмлик бетон қориш ускунаси, 1 дона 330 минг сўмлик двигатель, жами 8 миллион 405 минг сўмлик мол ва ускуналар далилий ашё сифатида олинган.

Шунингдек, 13-даҳа 10«а» уй, 36-хонадонда яшовчи К.Мустафоқулов Тожикистон Республикасидан божхона назоратидан четда бўлган айланма йўллар орқали чет элда ишлаб чиқарилган 14000 қути умумий баҳоси 6 миллион 300 минг сўмлик тамаки маҳсулотларини Ўзбекистон Республикасига сотиш мақсадида олиб ўтиб, Маданият кўчаси 18—уйда яшовчи фуқаро Ш.Маҳкамованинг уйида сақлаётганлиги аниқланган. Ушбу ҳолат юзасидан 14 минг қути Ўзбекистон Республикаси акциз маркаси билан маркаланмаган PINE тамаки маҳсулоти далилий ашё сифатида олинган.

Ушбу ҳолатлар юзасидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

**А. МАҲКАМОВ**


# «ЎКТАМБАНК»

**хусусий очиқ акциядорлик тижорат банки Кенгаши**

**Сизга 2006 йил 6 июл соат 12.00 да Қарши шаҳар Соҳибкор кўчаси, 4-уйда, яъни банкнинг Бош офисида акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказилишини маълум қилади**

**КУН ТАРТИБИ:**

**1.** Қўшимча чиқарилган ва жойлаштирилган акциялар ҳисобига банкнинг устав капиталини ошириш.
**2.** Тақдим этувчига банк акцияларининг эгаси ёзилган оддий акцияларга ўзгартириш.
**3.** Банк акцияларини нақд шаклидан нақдсиз шаклига ўзгартириш.
**4.** Банк Устав-капиталини ошириш мақсадида эълон қилинган акциялар миқдорини белгилаш.
**5.** Банк Уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш.
**6.** Банк Кенгашига қўшимча аъзоларни сайлаш.

*2006 йил 6 июлда «Ўктамбанк» ХОАТ банки Кенгаши томонидан акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг рўйхати 2006 йил 1 июл куни ёпилиши белгиланган.*

Йиғилиш қатнашчиларини рўйхатга олиш — *Қарши шаҳар, Соҳибкор кўчаси, 4-уйда яъни банкнинг Бош офисида,* 2006 йил 6 июл соат 10.00 да бошланади.

***Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишига доир барча масалалар бўйича маълумотларни (8375) 227-66-23, 227-58-95 телефон рақамлари орқали соат 9.00 дан 17.00 гача олиш мумкин.***

*Йигит ва қизлар !*

# ДЎМБИРОБОД МАИШИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИ

**ўқишга таклиф қилади**

Бу ерда қуйидаги мутахассисликларга эга бўласиз:
**1. Автотранспорт воситалари ва электр жиҳозларни таъмирлаш, ишлатиш ва техник хизмат кўрсатиш.**
**2. Бухгалтер-аудитор.**
**3. Тикув буюмларини ишлаб чиқариш ва моделлаштириш бўйича технолог.**
**4. ЭҲМ оператори.**

9-синфни битирган ўқувчилар қабул қилинади.

Коллежга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар топширилади:
*1. Раҳбар номига ариза.*
*2. Туғилганлик ҳақида гувоҳнома ёки паспорт.*
*3. Ўрта маълумот ҳақида гувоҳнома.*
*4. Тиббий маълумотнома.*
*5. 3х4 ҳажмли 6 дона фотосурат.*
*6. Психологдан маълумотнома.*

Ўқиш 2 сентябрдан бошланади.

**Манзилимиз: Чилонзор тумани Дўмбиробод кўчаси, 74-уй**
**Тел: 79-49-53**

**«Республика Кўчмас мулк биржаси» (РКМБ) ёпиқ акциядорлик жамияти акциядорларининг Умумий йиғилиши 2006 йил 7 июл куни, соат 11.00. да Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов тумани Қора-қамиш 2/4 мавзеси, Маҳамад Ўразбоев кўчаси, 1 «А» уй манзилидаги РКМБ биносининг 4-қаватидаги мажлислар залида ўтказилишини маълум қилади.**

*РКМБ ЁАЖ акциядорларининг реестри 2006 йил 5 июлда ёпилади.*

*Кун тартибига биржа Уставининг янги таҳририни тасдиқлаш, биржа фаолияти билан боғлиқ меъёрий ҳужжатларни тасдиқлаш, биржа Кузатув кенгаши ва Тафтиш комиссияси таркибига ўзгартириш киритиш, биржа бошқарувининг янги таркиби тўғрисида,, биржа ижроия органи раҳбарини лавозимига тасдиқлаш, биржа маъмурий-бошқарув апаратининг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш тўғрисидаги ва бошқа масалалар киритилган.*

**Телефонлар: 399-80-31, 399-84-48,**
**Факс: 399-80-26,**

**Кузатув кенгаши**

**Хабарингиз бўлса, «Унни бойитиш бўйича миллий дастурни амалга ошириш борасидаги чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент қарорига мувофиқ Соғлиқни сақлаш вазирлиги, БМТ, Болалар жамғармаси ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамда Ўзбекистон журналистлар ижодий уюшмаси томонидан кўрик эълон қилинганди. Мазкур лойиҳанинг асл мақсади темир моддаси танқислиги — анемия касаллигининг олдини олиш, омма орасида бойитилган ун ва нон маҳсулотлари ҳақидаги тушунчаларни кенг ёритишга журналистларни жалб этишдан иборат эди.**

# СЕРТИФИКАТЛАР ТОПШИРИЛДИ

Ушбу дастурнинг журналистика, телевидение ва радиоэшиттириш соҳасидаги биринчи кўриги якунланди. Унда республика ва маҳаллий ОАВ вакилларининг 130 дан ортиқ ишлари, жумладан, телевизион ва радио дастурлари, мақолалар ва фотосуратлар малакали мутахассислардан иборат ҳайъат томонидан кўриб чиқилди.

«Рэддиссон САС» меҳмонхонасида кўрик ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Тадбирда Вазирлар Маҳкамасининг бош мутахассиси Танзила Норбоева, Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари Асомиддин Комилов, Ўзбекистон Журналистлар ижодий уюшмасининг раиси Шерзод Ғуломов, «Ўздонмаҳсулот» АЖ раисининг ўринбосари Алишер Ишметов, ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси бошлиғи Реза Хоссаини, Жаҳон банки Ўзбекистондаги ваколатхонасининг лойиҳа координатори Дилнора Исомиддинова иштирок этишди.

Ғолиблар уч йўналиш бўйича тақдирланди. Ўз маҳоратларини ва ушбу мавзуни ёритишдаги ижодий ёндошувларини муносиб баҳолаб, ғолиб деб топилган журналистларга қимматбаҳо совға— компьютер тақдим қилинди. Бошқа совриндор ижодкорларга эса видео ва фотокамера, уяли телефон ҳамда диктофонлар топширилди. Шу билан бирга, энг фаол таҳририятлар ҳам «Унни бойитиш бўйича миллий дастур»ни амалга оширишга қўшган ҳиссалари учун махсус сертификатлар билан тақдирланди.

**Раъно МАҲКАМОВА,**
**«Ишонч» мухбири**

**«Ҳомийлар ва шифокорлар йили»да дам олишнинг барча турлари бўйича 6624 нафар мактаб ўқувчиларини соғломлаштириш режалаштирилган. Шундан 2880 нафари 17 та шаҳар ташқарисидаги, 3744 нафари мактаб, коллеж, лицейлар қошида ташкил этилган 34 та оромгоҳларда ўз таътилларини ўтказадилар.**

*Соғломлаштириш*

# ОРОМГОҲЛАР ИШ БОШЛАДИ

Ҳозирги кунда барча шаҳар ташқарисидаги масканларда 1700 нафарга яқин мактаб ўқувчилари дам олишмоқда. Мавсум давомида кам таъминланган, моддий ёрдамга, тиббий даволанишга муҳтож 200 нафар болалар бепул соғломлаштирилади. Биринчи босқичда улардан 120 нафари «Зангори олов», «Мирзачўл», «Алоқачи», «Наврўз», Амир Темур номли оромгоҳларда соғломлаштирилмоқда. Бундан ташқари, вилоят заиф эшитувчи болалар махсус мактаб-интернати тарбияланувчиларидан 30 нафари «Матлуботчи» масканида дам олишмоқда.

Бугунги кунда ҳар бир оромгоҳ маънавият ва маърифат хоналари, кутубхона, 4-5 тадан компьютерлар, тиббий жиҳозлар, спорт анжомлари билан тўлиқ таъминланган. Дам олувчиларнинг ҳар томонлама маданий ҳордиқ чиқаришлари учун тўгараклар ташкил этилган. Вилоят қўғирчоқ, мусиқали драма театри жамоаси иш режасига асосан ўз дастурлари билан чиқишлари кўзда тутилган. Барча дам олиш масканлари тўлиқ иш тажрибасига эга бўлган тарбиячилар ва етакчилар билан таъминланган.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, оромгоҳларни ёзги мавсумга тайёрлашда оталиқ ташкилотларнинг ҳомийлик ёрдами жуда катта бўлди. Мисол учун. УЗИ «Жиззахтелеком» шўъба корхонаси тасарруфидаги оромгоҳни таъмирлаш учун 4,5 миллион сўм, Зарбдор тумани пахта тозалаш корхонасига эса «Бўстон»ни жиҳозлар билан таъминлашга 3,9 миллион сўм, Пахтакор тумани А.Икромов пахта тозалаш корхонаси «Наврўз»га янги чойшаб ва қаттиқ жиҳозлар олиб бериш учун 3,5 миллион сўм маблағ сарфлади.

Дам олувчиларнинг истак-хоҳишларини ҳисобга олган ҳолда шашка, шахмат, рассомчилик, компьютер сирларини ўрганиш ва бошқа тўгараклар ишламоқда. Мисол учун. Зарбдор туманига қарашли «Бўстон» оромгоҳида 12 та тўгарак фаолият кўрсатаяпти. Булар рассомчилик, туризм, бадиий ҳаваскорлик, шеър ёзиш ва бошқалар. Дам олувчи Бозорбой Жўраев бу ерда рассомчилик сирларини ўрганаяпти. «Зангори олов»да соғломлаштирилаётган Ю.Алмазов эса туризм тўгарагига қатнаяпти.

**Собир МАМАДАЗИЗОВ,**
**Жиззах вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши жисмоний-маърифий ва спорт бўлими мудири**

*Муштарий фикри*

**Ўзбекчиликда «Ҳар кимни тўйга етказсин...» дея ният қиламиз. Яхши ният. Бу умидли дунёда ҳар ким қиз чиқаришни, ўғил уйлантиришни ўйлайди. Аммо тўйларимиз ортиқча чиқимсиз, чиройли ва ихчам ўтганига нима етсин?**

# ДАБДАБАЮ АСЪАСАДАН МАҚСАД НИМА?

Ҳамон шуни ўйлар эканман, бир неча йил олдин содир бўлган бир воқеа ёдимга тушади:

Танишларимиздан бири оддий ўқитувчи. Оиласи жўжабирдай жон. Нима бўлганда ҳам куёв бўлмиш—ўртанчи ўғлига шаҳардан келин олиб бераяпти. Тушга яқин келин-куёв «ЗАГС» дан ўтиб келиши керак. Лекин «ҳа» деганда тайин этилган машина келавермагач, ота: «Энди ўғлим, «фалон» машина бўлмаса ҳам, мундайроғи билан айланиб келинглар, қолган камчилигини кечки базмда тўлдирамиз» дейди. Бошида «миқ» этмаган ўғил, ҳеч қанча вақт ўтмай, бу гапга кўнмайди. Агар айтилган «фалон» машина келмаса, «ЗАГС»га бормаймиз, тўй ҳам бўлмайди!» дея жанжал кўтаради...

Бу дилхиралик катта фожеага олиб келади. Шундай ҳам юрак оғриғидан шикоят қилиб юрадиган ота — тўй куни юрагини чангаллаганча жон беради! Тўй азага айланади! Бу ниманинг оқибати?

Ярамас одатларга кўр-кўрона эргашиш ўғилни гумроҳлик сари етаклади. Ҳавойи ҳаваслар исканжасида кўзини парда қоплади.

Мавзу доирасида қанчалик гапирилмасин, барибир айримлар ўз билганидан қолмаяпти. Аслида дабдабаю асъасадан мақсад нима? Оддий одамлардан алоҳидаликни исботлашми, ўзини кўрсатишми? Маънавиятимизга дахл соладиган бу сингари қусурлардан қанчалик тез қутулсак, шунча яхши. Ўзимизни бу тариқа намойиш этгандан кўра, етим-есирлар, боқувчисини йўқотганлар, бева-бечораларга мурувват кўрсатсак, икки дунё саодатига етамиз. Бу энг муҳими. Шунда келажак авлод олдида юзимиз ёруғ бўлади.

**Норкул МАЪМУРОВ,**
**Жиззах вилояти**

*2006 йил — Ҳомийлар ва шифокорлар йили*

# МЕҲР УЛАШИЛМОҚДА

**Яқинда Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармасига қарашли Юнусободдаги «Болалар уйи» ҳомийлар ҳисобидан қайта таъмирланди. Натижада кичкинтойларнинг ҳар томонлама яхши ўсиб улғайиши, тарбияланиши ва дам олишлари учун барча шароит яратилди.**

Мазкур «Болалар уйи» 1988 йилда ташкил этилган бўлиб, бу ерда 3 ёшгача бўлган юз нафарга яқин кичкинтой тарбияланмоқда. Меҳрга муҳтож болаларга Эътибор Далабоева, Саида Эшметова, Малика Орипбоева, Ольга Меньшикова, Зулхумор Муҳаммаджонова, Валида Холиқова, Мавжуда Холматова сингари саховатпеша тарбиячилар меҳр қўрини улашяптилар.

Бу ерда болалар ёшига қараб, тиббий кўрикдан ўтказилади. Йил давомида уларнинг юқумли касалликларга чалинишининг олдини олиш мақсадида эмлаш, турли хил физиотерапия ва барча зарур муолажалар қилинади.

Ҳомийлар томонидан шу кунгача 4 та гуруҳ ва физиотерапия, кир ювиш хоналари қайта таъмирланди. Хоналарда замонавий парда, кроват-мебеллари янгиланди. Кир ювиш ва қуритиш машиналари, ошхона замонавий жиҳозлар билан таъминланди. Болалар майдончалари эпақага келтирилди. Ушбу юмушларга 35 миллион сўм маблағ сарфланди.

**Шаҳло МАВЛОНОВА**

## ЁШ ИСТЕЪДОДЛАР КАШФ ЭТИЛДИ

Бердақ номидаги қорақалпоқ давлат мусиқали театрида «Ниҳол-2006» кўрик-танловининг республика босқичи ўтказилди. Унда Қўнғирот, Қанликўл, Қораўзак, Амударё, Беруний туманлари ҳамда Нукус ва Тахиатош шаҳри ёш санъаткорлари ўз маҳоратини намойиш этди.

Ўттиз нафар иштирокчи 5 та номинация бўйича беллашди. Мумтоз қўшиқчилик йўналишида Жонибек Бекжанов, эстрада бўйича Гулноз Ўтепова, рақс санъатида Света Мирзамбетова, анъанавий ижрочилик маҳорати бўйича Ниёзбек Аскаров, фольклор йўналишида Бакберген Сиримбетов ғолиб деб топилди.

**(ЎзА)**



**Муҳаммад КАРИМ олган сурат**

*Баҳор сенинг сийратингми,*
*Ё сен баҳор тимсоли,*
*Ё мусаввир суратига*
*Кўчган оҳу мисоли?*

*Ибратли ҳикоялар*

## ВАТАН ТУЙҒУСИ

Тандирхона пештоқидаги бир кавакка қизилари ин қуриб олибди. Бири қўниб, бири учиб ётибди. Азбаройи кўп бўлгани учун болалар жуда ҳайиқишарди. Буни кўриб кичик ўғлимга бир чангал лой билан ўша жойни суваб ташлашни буюрдим. Бироз вақтдан сўнг, девор ёнидан ўтсам, ўғлим урган лой қурий бошлабди. Четроғида ҳосил бўлган найчадек туйнук ёнида қанотлари синган бир ари инга ёпишганича ғувиллаб турибди. Яна 3-4 ари эса ин тепасида тинимсиз айлангани айланган.

— Қаранг-а, бобо, — дейди ҳайратомуз оҳангда набирам. — Ахир, бошқа кавакдан ўзларига ин қуриб олишса бўлади-ку!

— Йўқ, бўтам, бунинг иложи йўқ. Чунки тилсиз жониворлар ўзларига шу кавакни Ватан деб билишади.

Яна бироз вақт ўтди. Ёнимга иссиқ кулча кўтарганича набирам келди.

— Бобожон, ўша лойни олиб ташлайлик. Ахир, кеч кириб қолса, арилар қайга боришади?

Унинг бу гапидан мийиғимда кулиб, «майли» ишорасини қилдим. Кўнглимни эса набирамнинг Ватан туйғусини тушуниб етганидан мамнунлик завқи эгаллади.

## ОЛТИН СИРҒА

Ўшанда 12-13 яшар бола эдик. Онам колхозчи бўлганлари учун, ора-сира ўрнига бориб ишлардим. Шунда хашак жамғариш мавсуми бошланиб қолди-ю, бир талай ёш-ялангни хўжаликнинг Дарёобод кенгликларига кўчириб кетишди. Кун бўйи ёнтоқ чопиб, ўриб, дасталар ҳозирлаймиз. Тиним билмай ишлаймиз-у, лекин барибир бола эмасмизми? Гоҳи-гоҳи ўйинқароқлигимизга ҳам бориб қолардик. Бир сафар уватдаги бир-бирига чирмашиб кетган ёввойи шўраларни чопаётганимда, каттагина оқ қуён шундоқ оёғим остидан чиқиб қочди. Буни кўриб турган болалар «ушла, ушла» дея ҳайқиришарди. Қуённинг изидан қува кетдим. Қоча-қоча толиққан қуён охийри ўзини чангалзорга урди. «Энди қўлга тушдинг-ку» дея қуёнга ташланганимни биламан, пешонамга юмшоқ нарса ботгандай бўлди. Шу заҳотиёқ ғуж-ғуж арилар бошдан оёғимга ғувиллашиб ёпишди. Арилар «сийлови»дан баданим моматалоқ бўлиб, шишиб кетганди. Қарийб уч кун деганда ўзимга кела бошлаганман.

Тўшакда ётиб қолганимда бригадиримиз Ғиёс бобо ёнимга келиб, бироз ўтирди-да, кўз қисиб деди:

— Керак бўлмаган жойга бурнингни тиқдинг. Бу ёғини ўзингдан кўр.

Бригадирнинг ҳазиломуз айтган ушбу гапи ҳали-ҳануз қулоғимга олтин сирғадек тақиб қўйилган.

## УНУТ БЎЛГАН СЎЗ

Тракторнинг тариллашини эшитиб, дарвоза ёнига чиқдим. Қарасам, ўн йил бир синфда ўқиган Ҳониёз жўрам тирковичига 3-4 қанор силос ортиб келибди.

— Силоссиз келсангиз, уйга киритмасмидим, жўра? — дейман бироз ранжиган бўлиб.

— Бу ҳам бир кўнгилда. Яхшиси келинг, бир кўришайлик.

Ўзиям юз йил кўришмагандек, суҳбат қурдик. Пиёлаларга оз-оз «оқи»дан ҳам қуйилди. Эсланмаган, айтилмаган гаплар қолмади.

— Шу десангиз, тайёргарлик катта! Ўғлимга уй-жой олдим. Яқинда тўй қилмоқчиман. Келин тушираман.

— Биздан нима хизмат, жўражон.

— Ҳаммаси тахт. Фақат ёнимда бўлишларингизни, ҳовлимда барча дўстлар саф тортиб туришини истайман.

— Айтганингиз келсин.

Бир пиёладан қайноқ чой ичилгач, дўстим узр сўраб, қўзғалди. Қайта-қайта қучоқ очиб хайрлашдик.

Худо берган умрнинг яна бир кечаси ўтди. Эртаси куни қишлоғимиз оралаб юк машинасида жанозага хабар қилиб ўтишди. Ким қайтиш қилганини англолмай, йўл ёнидаги ҳамсоялардан сўрадим:

— Бу ерлик эмас. Тоткентдан Хониёз деган тракторчи, дейишаяпти.

— Йўғ-е, — дейман қулоқларимга ишонмай. Ахир, кечагина... «Ёки бошқаям Хониёз бормикан? Йўқ, тракторчидан битта ўзи». Ғамдан бош қалқий-қалқий йўлга тушамиз.

Кеча ўзи орзу қилгани каби, барча ёру дўстлар унинг ҳовлисига йиғилишдик. Аммо афсуслар бўлсинки, яхши кунига эмас.

Кўп ўтмай дўстимиз минган ёғоч от лопиллаб дарвозадан чиқиб кела бошлади. Мен унсиз йиғласам, Суннат дўхтур уввос тортиб йиғлаб, елкамдан қучоқлаб олди.

— Жонгаям ишонч йўқ-а, дўстим.

Тенгқуримизни тупроққа қўйиб, секин-аста тарқалишарканмиз, фикр қиламан. «Нега бундай бўлди? Ахир, орзулари бисёр эди-ку». Шунда бир армонли оғриқни кўнглимга туйдим: «Орзу тутган пайтида, насиб бўлса, демаганмикин?»

Суннатнинг «Жонга ишонч йўқ» дея қилган хитоби шундоққина қулоқларим остида қолди.

*Байт:*

***Ғофил, ҳаволанма, шонга ишонч йўқ,***
***Ёшу қари меҳмон, жонга ишонч йўқ,***
***Дуру гавҳарларинг тошдир, оловдир,***
***Оғизда чайналган нонга ишонч йўқ.***

**Мансур АЛОВУДДИНОВ**

*Спорт + футбол*

## АРГЕНТИНА МУРАББИЙСИЗ ҚОЛДИ

Кимга мағлубият ёқади. Ҳамма буни алам билан қабул қилади. Германияда сўнгги палласига кирган баҳсларда қайси жамоа ғолиблик шоҳсупасига кўтарилиши муҳокама қилинаётган бир пайтда яна бир мураббий истеъфога чиқишини эълон қилди. Аргентина терма жамоасини 2004 йил сентябрдан бери бошқарган Хосе Пекерман ўзининг ушбу қарорга нега келганлигини изоҳлаб, шундай деди:

— Ўйлашимча, навбатдаги босқич поёнига етди. Мен Аргентина термаси муайян натижани қўлга киритиши учун астойдил ҳаракат қилдим. Энди бошқа иш билан шуғулланганим маъқул кўринади.

## БЕКХЭМ САРДОРЛИК БОҒИЧИДАН ВОЗ КЕЧДИ

Германиянинг Баден-Баден шаҳрида Англия терма жамоаси сардори Дэвид Бекхэм оммавий ахборот воситалари учун уюштирилган матбуот конференциясида сардорлик боғичидан воз кечажагини айтди.

— Мен бу боғични 2000 йил 15 ноябрдан бери тақиб келаман, — деди у. — Бу менинг болаликдаги орзуим эди. Энди терма жамоани бошқариш Стив МакЛаренга ўтди. Демак, сардор ҳам ўзгариши керак.

Шунга қарамай, Бекхэм терма жамоа таркибида қолиш ниятида. Қанча лозим бўлса, шунча вақт ўйнашга тайёрман, дейди у.

## ШЕВЧЕНКО — ИТАЛИЯЛИКЛАР ТОМОНИДА

Марднинг сўзи ҳам мардона бўлади. Украина терма жамоаси сардори Андрей Шевченко жаҳон чемпионати ярим финалига италияликларнинг чиққанлигини адолат тантанаси сифатида баҳолаб: «Биз кучли жамоага қарши тўп сурдик. Юлдуз футболчилар томонидан ташкил қилинган вазиятлардан улар фойдалана билишди. Биз ҳам ёмон ўйнамадик, лекин омадимиз чопмади», деди у.

Лекин Украина ярим ҳимоячиси Максим Калиниченконинг фикри бутунлай бошқача:

— Италия яхши ўйин кўрсатди ва ғалаба қозонди. Лекин ўйлашимча, бу жамоага финалга чиқиш насиб этмайди.

## АҲВОЛИ ЯХШИ ЭМАС

Жуда кўпчилик Тьерри Анри жаҳон чемпионатида кўрсатаётган ўйинини талаб даражасида эмас, деб баҳолаётгани сири очилди. Маълум бўлишича, Анри жароҳат билан тўп сураётган экан. У томондан амалга оширилган ягона гол Францияни ярим финалга олиб чиққан бўлишига қарамай, бундан англиялик мухлисларнинг юрак ғашлиги барҳам топгани йўқ.

Профессор Никол Маффуллининг хабар қилишича, Анри ўз жароҳатини тузатиш ҳақида жиддий қайғурмаса, оқибати ёмон бўлади.

Эчкига жон, қассобга мой қайғуси, деб шунга айтсалар керак-да. Акс ҳолда Португалия билан бўладиган ҳаёт-мамот учрашуви олдидан шундай хабарни тарқатиш шартмиди?

## ҲАКАМНИНГ ОҚИЛОНА ҚАРОРИ

WBA йўналишида жаҳон чемпиони бўлган Николай Валуев Гонновер шаҳрида америкалик Оуэн Бек билан ўз унвонини ҳимоя қилиш учун рингга кўтарилди. Асли келиб чиқиши ямайкалик бўлган боксчи бор-йўғи икки ярим раундга дош бера олди.

Валуевнинг бир неча кучли зарбаси рақибни тамомила эсанкиратиб қўйди. Ҳакам бирдан-бир тўғри қарорга келди: баҳс фожеали тугашининг олдини олиш мақсадида жангни тўхтатди.

## ТЎРТ МАВСУМ УЧУН 12,1 МИЛЛИОН ДОЛЛАР

«Флорида Пантерз» хоккей клуби раҳбарияти оралиқ мавсумдан фойдаланиб, ўз сафини мустаҳкамлаш учун зарур барча чораларни кўрмоқда. Жамоа белоруссиялик ҳимоячи Руслан Салеев билан тўлдирилди.

Шартномага кўра Р.Салеев ушбу жамоада тўрт йил ўйнайди. У бунинг эвазига 12,1 миллион доллар олади. «Флорида» бош менежери ўз қарорини изоҳлаб шундай деди:

— Салей айни биз истаган ҳимоячи. Басавлат ва кучли, ўйлайманки, у жамоани олға бошлайди.

**Интернет хабарлари асосида тайёрланди**

**Аслида хомаки режага кўра тагсарлавҳа сал бошқачароқ янграши керак эди. Лекин чорак финал баҳслари ўзига хос тузатишлар киритишга мажбур қилди.**

# ОМАД КИМГА КУЛИБ БОҚАДИ?

## Роналдугами ёки Анрига, Клозегами ёки Инзагига?

Шундайки, гарчанд Аргентина терма жамоаси таркиб ва ўйин услуби бўйича жаҳонда ҳеч бир командага паст тушмаслиги олдиндан маълум эса-да, у ярим финал йўлида дуч келган рақиб анойилардан эмас эди. Баллак, Клозе, Подолский каби тўпурар футболчилари бўлган Германиянинг айни пайтда яна бир ноқулай жиҳати бор эдики, уни содда қилиб, «ўз уйингда деворлар ҳам суяйди» дея таърифлаш мумкин. Қолаверса, Клинсманн немисларга хос иродали ўйинга комбинацион услубни ҳам уйғунлаштира билганки, ҳеч шубҳасиз, буни майдон эгаларининг бошқа жамоалар мураббийларига бошқотирма совғаси, деб қабул қилиш мумкин.

Диего Марадона ватандошлари, айтиш мумкинки, ана шу бошқотирма жавобини топа билишмади. Шиддатли кечган учрашув охир-оқибат чемпионат мезбонларининг устунлиги билан якун топди. Бошқача айтганда, Креспо ва Месси тўхтатиб қолинди, Клозе ва Подолскийлар тўпурарлик маҳоратларини намойиш қилишда давом этишлари учун яна имконият яратиб берилди. Энди Клинсманн шогирдлари чорак финалда украинлардан ҳар томонлама кучли эканликларини амалда исботлаб, финал эшикларини очишга аҳд қилган Италия терма жамоаси қаршилигини енгишлари лозим бўлади. Бу қай тарзда уддаланишини бугун билиб оламиз.

Эртага эса яна икки жамоа — Португалия ва Франция финал йўлланмаси учун куч синашадилар. Адолат юзасидан олганда, воқеалар ўзгача тус олиши ҳам мумкин эди. Ҳар ҳолда Португалияда Фигу каби тажрибали сардор тўп суришини билсак-да, энди маълум бўлишича, бош мураббий сифатида сўнгги бор ўз шогирдларини майдонга кузатиб қўйган Фергюссон танлаган тактикага кўпроқ ишонгандик. Ёдингизда бўлса, аввалги шарҳларимиздан бирида Бекхэмнинг «Руни бизга ёрдамлашади» сарлавҳали интервьюсини эътиборингизга ҳавола этган эдик. Дэвид ўз сўзида собит қолиб Руни каби ўйинчилар билан ҳар қандай рақибни енгиши ҳақида гапирганди. Қизиғи шундаки, Португалия билан бўлган учрашувда айнан Бекхэм ва Рунининг майдонни тарк этишлари кўзланган натижани қўлга киритишга имкон бермади. Дэвид жароҳати туфайли, Уэйн эса қизил карточка олиб жамоадошларига жуда зарур бўлган ёрдамни бера олмадилар.

Ўйин тақдирини пеналтилар серияси ҳал қилиб берди. Энг моҳир футболчилар — Лэмпард ва Жерардлар томонидан амалга оширилмаган «юз фоизлик гол»лар Англияга қимматга тушди. Португалия ўз тарихида иккинчи бор, орадан қирқ йил ўтиб, ярим финалга чиқишга муяссар бўлди. Ўшанда афсонавий Эйсебио жамоадошлари Англия майдонларидаги жангу жадалдан учинчи бўлиб қайтиб, юртдошлари кўз ўнгида қаҳрамонга айланган эди. Энди қандай бўларкин? Ахир, уларни финал бўсағасида Франция терма жамоаси кутиб турибди!

Ҳа, Франция. Ваҳоланки кўпчилик ушбу вазифани шараф билан уддалашни аллақачон Бразилия юлдузларига юклаб қўйган эди. Лекин ҳаммаси чаппасидан кетди. Жаҳоннинг энг яхши футболчиси Роналдиньо ва жаҳон чемпионатлари тарихида энг кўп гол киритган мерган сифатида эътироф этилган Роналдо Германияни муддатидан илгари тарк этадиган бўлишди. Зиданнинг заргарона тўп узатиши ва Анрининг узукка қўйилган кўздек моҳирона тўп йўллаши Дида дарвозасининг ишғол қилиниши билан якун топди. Бразилия мотам оғушида қолди, Франция эрталабгача хурсандчилик қилди.

Эҳтимолки, футбол шуниси билан қизиқдир. Агар ҳаммаси режадагидек кечса, «миллионлар ўйини» ҳам бунчалик жозибадор бўлмасди. Ва биз ҳам бировларнинг кўчасида бўлаётган тўйга бунчалар ҳаваслaниб қарамас, ўзимиз ҳам шундай тўй учун бу қадар зўр бериб ҳозирлик кўрмас эдик.

Шундай қилиб, тўрт совриндор маълум. Фақат улардан қай бири чемпион бўлишини аниқлаш, қолганларга ҳам ўзига яраша ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш қолди.

**И.ИБРОҲИМОВ**

Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши жамоаси Кенгашнинг молиявий ишлар бўлими мудири Абдурашид Абдувоҳидовга рафиқаси

**ШОҲИДА**нинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади

Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши Ижтимоий йўналишдаги Республика махсус гимназияси директори Гуландом Субхановага акаси

**Омонқул СУБХАНОВ**нинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Фарғона вилояти Кенгаши жамоаси кенгашнинг ташкилий ишлар бўлими етакчи мутахассиси Лолахон Аҳмедовага падари бузруквори

**ХОРУН ота**нинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади

Жиззах вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши раисининг ўринбосари Ўсар Одиловга рафиқаси

**МУЯССАР**нинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради

Жиззах вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши жамоаси кенгашнинг молия бўлими мутахассиси Рўзигул Қоражоновага волидаи муҳтарамаси

**ТЎЛҒАНОЙ ая**нинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади

Сурхондарё вилояти таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Кенгаши Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг молиявий ишлар бўлими мудири Абдурашид Абдувоҳидовга турмуш ўртоғи

**Шоҳида АБДУВОҲИДОВА**нинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

**Ishonch**

**МУАССИС:**
**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси**

**Бош муҳаррир**
**Абдухолиқ АБДУРАЗЗОҚОВ**

**Бизга қўнғироқ қилинг:**
**Котибият 153-52-78;**
**Хатлар бўлими 153-85-43;**
**Касаба уюшмалари ҳаёти бўлими 153-87-63**

**Газета ҳафтанинг сешанба, чоршанба, жума ва шанба кунлари чиқади.**

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.
IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2.
Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

Тиражи: 7540 E-mail: ishonch_doverie4@mail.ru Буюртма Г— 916

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

**Бизнинг манзил:**
*700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй.*
*Нашр кўрсаткичи:* 133; 134

**Навбатчи котиб -Х.Абдужалилов**
**Навбатчи муҳаррир - А.Ҳақбердиев**
**Мусаҳҳиҳ - Д.Камолов**
**Навбатчи - Р.Орипов**

**Саҳифаловчи-дизайнер:**
**З.Бакиров ва Ю.Михайловский**

Босишга топшириш вақти - 21.00.
Топширилди - 22.30